



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Ёшлар ишлари агентлиги**  
**директори, Ташкилий**  
**қўмита раиси**  
**А.Саъдуллаев**

**“15” июнь 2022 йил**

**Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида**  
**Интеллектуал олимпиадани ўтказиш**  
**ТАРТИБИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур тартиб республикадаги Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида интеллектуал олимпиадани ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Интеллектуал олимпиада давомида “Брейн-ринг”, “Заковат”, “Эрудит квартет”, “Шахсий ўйин”, “Шахмат”, “Шашка” интеллектуал ўйинлари бўйича турнирлар ташкил қилинади.

3. Интеллектуал олимпиадани ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича барча ташкилий ва ижодий ишларни мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 312-сонли қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида интеллектуал олимпиадага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) томонидан мувофиқлаштириб борилади.

4. Ташкилий қўмита қаророрига мувофиқ интеллектуал олимпиадани сифатли ўтказиш ва оператив бошқариш мақсадида интеллектуал олимпиада ташкилий гуруҳи (кейинги ўринларда – Ташкилий гуруҳ) шакллантирилади. Ташкилий гуруҳга:

– ҳакамлар, бошловчи, апелляция ва ҳисоб комиссия аъзоларини тасдиқлаш;

– интеллектуал олимпиада иштирокчиларини белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилишини назорат қилиш ва қоидаларни бузганларга интизомий жазо чоралари қўллаш;

– олий таълим муассасаларини турнирларда ва умумжамоавий эгаллаган ўрнини ҳисоблаш;

– интеллектуал олимпиадани ўтказиш жараёнида Низомда кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича оператив қарорлар қабул қилиш вазифалари юклатилинади.

## 2-боб. Интеллектуал олимпиада иштирокчилари

5. Интеллектуал олимпиадага таълим йўналиши, соҳаси, мутахассислигидан қатъи назар, республикадаги барча олий таълим ташкилотлари талабалари жалб этилади. Интеллектуал олимпиадада Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган давлат, нодавлат олий таълим ташкилотлари, уларнинг филиаллари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий олий таълим ташкилотлари ва хорижий олий таълим ташкилотларининг филиалларида (кейинги ўринларда – олий таълим муассасалари) бакалаврият ва магистратура босқичида таълим олаётган талабалар ўртасида ўтказилади.

6. Интеллектуал олимпиадада иштирок этувчи талабалар олий таълим муассасалари томонидан ички мусобақалар ўтказиш орқали танлаб олинади.

7. Интеллектуал олимпиадада иштирок этувчи иштирокчилар рўйхати Ташкилий гуруҳга олий таълим муассасалари томонидан тақдим этилади.

8. Ҳар бир олий таълим муассасасидан интеллектуал олимпиадада 11 нафар талаба (“Заковат” ўйинлари (“Заковат”, “Брейн-ринг”, “Эрудит квартет”, “Шахсий ўйин”) учун 7 нафар, шахмат учун 2 нафар, шашка учун 2 нафар) ва 1 нафар иштирокчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга доимий ҳамроҳлик қилувчи олий таълим муассасасининг масъул ходим – жами 12 нафар одам иштирок этади. Талабалар орасидан бир нафар сардор сайланади.

## 3-боб. Ариза топшириш ва турнирларда иштирок этиш тартиби

9. Интеллектуал олимпиадада олий таълим муассасалари талабалардан иборат терма жамоалар ҳар йили бир мартаба республика миқёсида ўзаро беллашишади.

10. Интеллектуал олимпиаданинг ўтказилиш муддатлари ва унда иштирок этиш учун аризаларни бериш муддатлари Ташкилий қўмита томонидан белгиланади.

11. Интеллектуал олимпиада доирасида ҳар бир олий таълим муассасасидан:

“Брейн-ринг” турнирида 6 нафар;

“Заковат” турнирида 6 нафар;

“Эрудит квартет” турнирида 4 нафар;

“Шахсий ўйин” турнирида 1 нафар;

“Шахмат” турнирида 2 нафар (1 ўғил, 1 қиз);

“Шашка” турнирида 2 нафар (1 ўғил, 1 қиз) иштирокчи иштирок этади.

12. “Шахмат” ва “Шашка” турнирлари бошқа интеллектуал ўйинлар турнирлари билан параллел равишда ўтказилиши сабабли, “Шахмат” ва

“Шашка” турнирларида иштирок этувчи талабалар бошқа интеллектуал ўйинлар турнирларида қатнашишига йўл қўйилмайди.

13. Интеллектуал олимпиадада ҳар бир ОТМдан қуйидаги вазифаларни бажарувчи 1 нафар мураббий қатнашади:

- ОТМ терма жамоасига раҳбарлик қилиш;
- ОТМ терма жамоасини Олимпиадага келиб-кетишини ташкиллаштириш;
- Олимпиада давомида ўтказилувчи мусобақаларда ОТМ терма жамоасидан қайси ўйинчиларни қатнашишини ёки заҳирага олинишини белгилаш;
- Олимпиада давомида ОТМ терма жамоасини белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилишларини назорат қилиш;
- Олимпиада давомида ташкилотчилар билан ўзаро алоқаларни ўрнатиш.

14. Интеллектуал олимпиадада иштирок этиш учун ариза Ташкилий гуруҳ номига олий таълим муассасаси ректори томонидан имзолаган ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда электрон шаклда (PDF форматда) юборилиши лозим. Аризада олий таълим муассасасидан интеллектуал олимпиадада иштирок этувчи талабаларнинг Ф.И.О., ЖШШИР, қайси босқичда таълим олаётгани тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши ва ушбу талабаларни олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқдан кўчирма илова қилиниши лозим.

15. Олий таълим муассасаси жамоаси таркибига киритилган талабаларнинг ҳақиқатдан айна шу олий таълим муассасасида таҳсил олиши олий таълим муассасаси маъмурияти томонидан кафолатланиши лозим. Агар жамоа таркибига киритилган иштирокчи ушбу олий таълим муассасаси талабаси эмаслиги маълум бўлса, ушбу жамоа турнирдан четлатилади.

16. Олий таълим муассасаси жамоаси аъзолари талабалик гувоҳномасини (ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни) турнир ташкилотчиларига кўрсатгандан сўнг турнирда иштирок этишига рухсат берилади.

17. Ташкилий гуруҳ рухсатсиз иштирокчилар турнирда қатнашишга қўйилмайди.

#### **4-боб. Интеллектуал олимпиадада олий ўқув муассасаси ва талабаларини рейтингини аниқлаш**

18. Интеллектуал олимпиада доирасида “Брейн-ринг”, “Заковат”, “Эрудит кватер”, “Шахсий ўйин”, “Шахмат”, “Шашка” ўйинларидаги натижалари бўйича рейтинг баллари йигиб берилади.

19. Рейтинг баллари қуйидагича тақсимланади:

**“Шахсий ўйин”, “Шахмат” ва “Шашка” турнирлари бўйича:**

<b>Ўрин</b>	<b>Балл</b>
1	25
2	22
3	20
4	18
5	16
6	14
7	13
8	12
9	11
10	10
11-15	9
16-20	8
21-30	7
31-40	6
41-50	5
51-60	4
61-80	3
81-100	2
100 +	1

**“Брейн-ринг”, “Заковат”, “Эрудит кватет”  
турнирлари бўйича**

<b>Ўрин</b>	<b>Балл</b>
1	50
2	44
3	40
4	36
5	32
6	28
7	26
8	24
9	22
10	20
11-15	18
16-20	16
21-30	14
31-40	12
41-50	10



51-60	8
61-80	6
81-100	4
100 +	2

20. Олий таълим муассасасининг умумий рейтингидаги ўрни жамоаларининг ҳар бир ўйинда олган рейтинг балларини қўшиб ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Агарда, биринчи ва иккинчи ўринларга даъвогар олий таълим муассалари бир ҳил балл олса, ўринларни аниқлаштириш учун улар орасида ёзма “Заковат” ўйини ўтказилади.

### **5-боб. Ғолибларни тақдирлаш**

21. Интеллектуал олимпиадада иштирок этган барча иштирокчиларга махсус сертификатлар топширилади.

22. Турнирларда биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритган иштирокчилар ва жамоалар қимматбаҳо ва эсдалик совғалари, диплом билан тақдирланади.

23. Турнирларда 1-ўринни олган жамоаларга махсус кубок топширилади.

24. Умумий жамоа рейтингида биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритган олий таълим муассасалари жамоаларига Президент совғаси топширилади.

25. Ташкилий гуруҳ қарорига биноан умумий жамоавий рейтингда биринчи ва иккинчи ўринни олган олий таълим муассасаларининг “Брейн-ринг” турнирида иштирок этган жамоалари орасида кўрғазмавий “Брейн-ринг” ўйини ўтказилиши мумкин.

### **6-боб. “Брейн-ринг” турнирини ўтказиш тартиби**

26. “Брейн-ринг” ўйини турнири жамоавий мусобақа бўлиб, унда жамоалар белгиланган вақт ичида мантиқий саволларга тезкорлик билан жавоб бериш бўйича мусобақалашади. Жамоаларнинг мақсади — ўйин давомида рақиб жамоаларга нисбатан кўпроқ саволларга тўғри жавоб беришдан иборат.

27. “Брейн-ринг” турнирида иштирок этиш учун бир жамоада 6 нафар иштирокчи бўлиши керак, камида 5 нафар иштирокчи бўлганда ўйинларда иштирок этишга рухсат берилади. 4 ёки ундан кам иштирокчи келган жамоалар ўйинларга қўйилмайди.

28. “Брейн-ринг” турнири саралаш ва асосий босқичдан иборат. Саралаш икки босқичдан иборат бўлади. Турнирнинг асосий босқичи чорак финалдан бошланади, ярим финал ва турнир финали билан якунланади.

29. Саралашнинг биринчи ва иккинчи босқичида ҳар бир гуруҳда 6 та жамоа бўлади. Кейинги босқичга ҳар бир гуруҳдан биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар йўл олади.

30. Саралашнинг учинчи босқичида 20 та жамоа 4 та гуруҳга бўлинган ҳолда баҳслашади. Чорак финал босқичига гуруҳида биринчи ва иккинчи ўринни кўлга киритган жамоалар йўл олади.

31. Чорак финал босқичидан бошлаб 2 та жамоа бир бирига қарши ўйнайдилар. Жуфтлик ғолиби бўлган жамоа ярим финалга йўл олади.

32. Ярим финал босқичида 4 та жамоа 2 та жуфтликка бирлашган ҳолда беллашади. Жуфтлик ғолиби якуний финал ўйинига йўл олади.

33. Финал учун баҳс жамоаларнинг 2 та раундда ғалаба қозонишига қадар давом этади. Ҳар бир раундда 10 тадан савол ўқиб эшиттирилади. Агар раунд якунида жамоалар баллари тенг бўлиб қолса, биринчи тўғри жавоб бўлгунча қўшимча саволлар ўқилади.

34. “Брейн-ринг” турнирининг саралаш босқичларидаги жамоаларнинг гуруҳларга бўлиниши жадвали келиб тушган аризаларга мувофиқ шакллантирилади.

35. Барча босқичларда жамоаларга жами 10 та савол берилади (финал баҳси бундан мустасно).

36. Турнир махсус электрон брейн-ринг қурилмаси (кейинги ўринларда – брейн-ринг қурилмаси) ёрдамида олиб борилади. Брейн-ринг қурилмаси турнирда иштирок этаётган жамоаларнинг жавоб бериш кетма-кетлигини аниқлаб беради.

37. Бошловчи савол матнини ўқиб бўлгач, “вақт кетди” дегандан сўнг брейн-ринг қурилмасида старт тугмаси босилади. Брейн-ринг қурилмаси овоз сигналини беради. Жамоалар овоз сигналдан сўнг ўзларидаги тугмачани босиши зарур. Тугмачани биринчи бўлиб босган жамоа биринчи бўлиб жавоб беради.

38. Жамоа старт берилмасидан олдин тугмачани босган тақдирда “фалстарт” ҳолати қайд этилади ва жамоа ушбу саволга жавоб бериш имкониятини йўқотади.

39. Бошловчи қайси жамоа жавоб бериш имкониятига эга эканлигини эълон қилади. Жамоа жавоб берадиган иштирокчининг исмини айтиши зарур. Фақатгина шу иштирокчи томонидан айтилган версия қабул қилинади.

40. Бошловчи жамоа жавоби тўғри бўлган тақдирда “жавоб тўғри” деб ва жамоа жавоби нотўғри бўлган тақдирда “жавоб нотўғри” деб айтади.

41. Бошловчи жамоалар жавоби нотўғри бўлса ёки умуман жавоб берилмаган тақдирда тўғри жавобни эълон қилади, ҳисобни эслатади ва навбатдаги саволни ўқийди.

42. Жавобнинг тўғрилигини фақат бошловчи аниқлайди. Бошловчининг қарори қатъий бўлади ва ҳеч қандай шикоят қабул қилинмайди.

43. Биринчи, иккинчи ва учинчи босқичда ўқилган саволга кўпи билан 3 та жамоа жавоб бериш имкониятига эга бўлади. Биринчи бўлиб жавоб бериш ҳуқукига эга жамоа нотўғри жавоб берган тақдирда, қолган жамоаларда жавоб бериши учун 20 сония вақт берилади. Битта саволга 3 та жамоа нотўғри жавоб берган ёки 20 сония вақт ичида тугмача босилмаган тақдирда балл ютилмаган ҳисобланади ва бошловчи томонидан навбатдаги савол ўқилади.

44. Финалдан ташқари барча босқичларда 10 та саволдан сўнг кейинги босқичга ўтиш имконият мавжуд ва бир хил балл олган жамоалар сони бир нечта бўлган тақдирда, даъвогар жамоалар орасида 2 та пешқадам жамоа аниқлангунига қадар қўшимча саволлар ўйналади.

45. Агар кейинги босқичга йўл олган жамоалар аниқ бўлсаю, лекин гуруҳда 1 ва 2-ўринни эгаллаган жамоалар ўзаро бир хил тўплаган бўлса, унда улар ўртасида қўшимча савол ўйналмайди. Қайси жамоа энг охириги тўғри жавобни берган бўлса, ўша жамоа гуруҳда 1-ўринни эгаллаган деб ҳисобланади.

46. Маълум бир саволлардан сўнг, назарий жиҳатдан гуруҳда 1-ўринни олиши аниқ бўлган жамоа аниқлангач, мазкур жамоа кейинги саволларда иштирок этиш ҳуқуқини йўқотади. Қолган саволлар бошқа жамоалар ўртасида ўйналади.

47. Маълум бир саволлардан сўнг, назарий жиҳатдан гуруҳда 1 - ва 2 - ўринни олиши аниқ бўлган жамоалар аниқлангач, ўйин тўхтатилади ҳамда 1- ва 2-ўринни олган жамоалар кейинги босқичга йўл олади.

### **7-боб. “Заковат” интеллектуал ўйини турнирини ўтказиш тартиби**

48. “Заковат” интеллектуал ўйини давомида ҳар бир жамоада бир вақтда 6 нафар иштирокчи қатнашиши лозим. Айрим ҳолларда Ташкилий гуруҳ руҳсати билан 5 нафар иштирокчи билан ҳам қатнашиш мумкин.

49. Жамоаларга “Заковат” интеллектуал ўйини давомида жами 48 та савол (12 та саволдан 4 та тур) берилади;

50. Жамоаларга бир пайтда бир хил савол берилади, жамоалар ўз жавобларини махсус жавоб бланкаларига ёзиб беришлари лозим бўлади. Махсус жавоб бланкининг юқори қисмида албатта жамоа номи, тур ва савол рақами кўрсатилиши керак. Ушбу маълумотлар ҳамда жамоанинг жавоб варианты махсус жавоб бланкининг бир томонида бўлиши керак.

51. Ҳар бир саволни ўйлаш учун 1 дақиқа вақт берилади. Бошловчи 50 сония бўлганда вақт тугашига 10 сония қолгани ҳақида огоҳлантиради.

52. Бир дақиқа вақт тугагач, жамоалар ўз жавобларини махсус жавоб бланкаларига ёзишлари учун яна қўшимча 10 сония берилади. Бунда бошловчи 10 дан 1 гача овоз чиқариб санайди.

53. Савол берилиб, “вақт кетди” ишораси берилгандан сўнг жамоалар жами 1 дақиқа 10 сония тугаган пайтда жавоб вариантларини ёзиб, махсус жавоб бланкни баланд кўтарган ҳолда туришлари лозим.



54. Жамоаларнинг жавоб вариантлари олдиндан махсус тайинланган секундантлар томонидан йиғиб олинади ва ҳисоб-комиссиясига топширилади. Жавоб бланklarини жамоа аъзолари томонидан мустақил олиб келинишига йўл қўйилмайди.

55. Ўз вақтида жавоб бланкини кўтаришга улгурмаган жамоанинг жавоби қабул қилинмайди.

56. Жавоб варианты тушунарли ҳусниҳат билан ёзилган бўлиши ва аниқ жавобни кўзлаши лозим. Мантиқий тугалланмаган жавоб варианты қабул қилинмайди.

57. Жавоб бланкида фақат 1 та жавоб варианты акс этиши лозим. Икки ёки ундан ортиқ вариант ёзилган жавоб вариантлари, гарчи улардан бири тўғри бўлса ҳам, қабул қилинмайди ва жамоага балл берилмайди.

58. Устига чизилган, устидан бўялган ёки қавсга олинган жавоб вариантлари ҳисобга олинмайди. Масалан, саволнинг тўғри жавоби “Қулф ва калит” дейлик. Бундай вазиятда жамоа жавоб бланкига “қулф” сўзини ёзди ва қавс ичида “(калит)” дея қўшиб қўйди. Бундай ҳолатда жамоанинг жавоби аниқ жавоб сифатида қабул қилинмайди ва балл берилмайди.

59. Ҳар бир саволга бир баллдан берилади. Турнирларда энг кўп балл олган жамоалар ғолиб сифатида топилади.

60. Турнирда жамоалар томонидан берилган жавоб вариантларини ҳисоблаш мақсадида ҳисоб-комиссияси ташкил этилади.

61. Ҳисоб-комиссияси жамоа томонидан берилган жавоб вариантини аниқ жавобга тўғри ёки нотўғри эканлигини мустақил баҳолаб, жамоага балл бериш масаласини ҳал қилади ва турнир натижалари ҳисобини олиб боради.

62. Ҳисоб-комиссиясининг қарори апелляция натижасида ўзгартирилиши мумкин.

63. Агар совринли ўринлар учун икки ёки ундан ортиқ жамоалар бир хил балл олса, унда улар ўртасида биринчи тўғри/нотўғри жавобгача (ҳисобдаги биринчи фарққача) қўшимча саволлар берилади. Совринли ўринларга даъвогарлик қилмайдиган бир нечта жамоалар ўртасида қўшимча ўйин ўтказилмайди.

### **8-боб. “Эрудит кватрет” ўйини турнирини ўтказиш тартиби**

64. “Эрудит кватрет” ўйини турнири – индивидуал ҳисобга асосланган жамоавий мусобақа бўлиб, унда иштирокчилар белгиланган вақт ичида мантиқий саволларга тезкорлик билан жавоб бериш бўйича мусобақалашади. Иштирокчиларнинг мақсади – ўйин давомида рақиб жамоаси иштирокчиларига нисбатан кўпроқ балл йиғишдан иборат.

65. Ўйин давомида ҳар бир жамоада 4 нафар иштирокчи қатнашиши лозим.

66. Турнир қуйидаги беш босқичдан иборат: ёзма саралаш, гуруҳ босқичи, чорак финал, ярим финал ва финал.



67. Ёзма саралашда жамоанинг бир нафар ўйинчиси иштирок этади. Турнирнинг саралаш босқичида 8 та мавзуга оид 5 тадан, умумий 40 та савол берилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун саволга олдиндан белгиланган (10 / 20 / 30 / 40 / 50) балл берилади. Ҳар бир нотўғри жавоб учун эса, саволга олдиндан белгиланган баллни (-10/ -20/ -30/ -40/ -50) қарама-қарши қиймати ёзилади. Саволга жавоб берилмаган тақдирда ўша саволга балл берилмайди. Саралаш натижаларига кўра кўпроқ балл тўплаган 50 та жамоа кейинги босқичга йўл олади.

68. Саралаш босқичида бирорта ҳам саволга жавоб ёзмаган иштирокчи кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритмайди.

69. Агар жамоалар ёзма саралаш натижалари бўйича тенг миқдордаги балл тўпласалар, энг катта номинал қиймат учун тўғри жавобларни берган жамоа устунликка эга бўлади. Такрорий тенглик ҳолатида кейинги номинал қиймат билан олинган саволлар сони ҳисобга олинади ва шу тартибда давом этади.

70. Гуруҳ босқичига йўлланма олган 50 та жамоа ёзма саралаш натижаларига кўра 5 та жамоадан иборат 10 та (А, В, D, E, F, G, H, I, J, K) гуруҳга ажратилади. Турнирнинг гуруҳ босқичида ҳар бир гуруҳга 12 та мавзуда 5 тадан, жами 60 та мавзулаштирилган савол берилади. Гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринни олган жамоалар Турнирнинг кейинги босқичига йўл олади. 3 - ўринни эгаллаган жамоалардан энг яхши натижага эга бўлган 5 та жамоа ҳам кейинги босқичга йўл олади. Бунда иштирокчилар қуйидаги жадвалга асосан гуруҳларга бўлинади:

А	В	D	E	F	G	H	I	J	K
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
20	19	18	17	16	15	14	13	12	11
30	29	28	27	26	25	24	23	22	21
31	32	33	34	35	36	37	38	39	40
50	49	48	47	46	45	44	43	42	41

71. Турнирнинг гуруҳ, чорак финал, ярим финал босқичлари оғзаки тарзда ўтказилиб, жамоаларнинг ҳар бир иштирокчиси фақат бир мавзу саволларига жавоб беради. Бунда ҳар бир тўғри жавоб учун саволга олдиндан белгиланган (10 / 20 / 30 / 40 / 50) балл берилади. Ҳар бир нотўғри жавоб учун эса, саволга олдиндан белгиланган баллни (-10/ -20/ -30/ -40/ -50) қарама-қарши қиймати ёзилади. Саволга жавоб берилмаган тақдирда, ўша саволга балл берилмайди.

72. Турнирнинг гуруҳ, чорак финал, ярим финал босқичида бирорта ҳам иштирокчиси бирорта ҳам саволга тўғри ёки нотўғри жавоб бермаган жамоа кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритмайди.

73. Турнирнинг чорак финал босқичида жамоалар 5 та (А, В, D, E, F) та гуруҳга ажратилади. Ҳар бир гуруҳга 12 та мавзуда 5 тадан, жами 60 та

мавзулаштирилган савол берилади. Бунда иштирокчилар бундан аввалги босқичда эгаллаган ўрнига қараб қуйидаги жадвалга асосан гуруҳларга бўлинади:

<b>А-гуруҳ</b>	<b>В-гуруҳ</b>	<b>Д-гуруҳ</b>	<b>Е-гуруҳ</b>	<b>Ғ-гуруҳ</b>
А-1	В-1	Д-1	Е-1	Ғ-1
К-1	Г-1	Н-1	И-1	Ж-1
Е-2	Ғ-2	А-2	В-2	Д-2
И-2	Ж-2	К-2	Г-2	Н-2
5-учинчи ўрин соҳиби	4-учинчи ўрин соҳиби	3-учинчи ўрин соҳиби	2-учинчи ўрин соҳиби	1-учинчи ўрин соҳиби

74. Турнирнинг ярим финалига ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган, жами 10 та жамоа йўл олади.

75. Ярим финалда жамоалар 2 та гуруҳга бўлинган ҳолда беллашади. Бунда иштирокчилар бундан аввалги босқичда эгаллаган ўрнига қараб қуйидаги жадвалга асосан гуруҳларга бўлинади:

<b>1-ярим финал</b>	<b>2-ярим финал</b>
А-1	А-2
В-2	В-1
Д-1	Д-2
Е-2	Е-1
Ғ-1	Ғ-2

76. Турнирнинг ярим финал босқичида ҳар бир гуруҳга 12 та мавзуда 5 тадан, жами 60 та мавзулаштирилган савол берилади.

77. Ярим финал босқичида гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринни қўлга киритган ҳамда икки гуруҳда учинчи ўринни эгаллаган жамоалардан энг кўп балл тўплаган бир нафар жамоа, жами 5 жамоа финалга йўл олади.

78. Турнирнинг финал босқичида 12 та мавзуда 5 тадан, жами 60 та мавзулаштирилган савол берилади.

79. Финалда энг кўп балл тўплаган жамоалар ҳисобига қараб биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни олади.

80. Гуруҳ, чорак финал ва ярим финал босқичларидан сўнг, кейинги босқичга ўтиш учун бир нечта жамоа тенг балл тўпласа, ёки финал босқичида совринли ўринлар учун бир нечта жамоа тенг балл тўпласа, тенг балл тўплаган жамоаларнинг бир нафардан вакиллари ўртасида 1 мавзуда қўшимча мусобақа ташкил қилинади ва ушбу мусобақа натижасига кўра жамоаларнинг кейинги босқичга ўтиши ёки турнирда эгаллаган ўрни белгиланади. Агарда қўшимча

мавзуда ҳам баллар тенг бўлиб қолса, бошқа мавзуда биринчи плус ёки минус қийматли балл олинганга қадар саволларни қиймати тескари тартибда (50 балли саволдан бошлаб, 10 балли саволгача) ўқиб, давом эттирилади.

81. Турнирнинг гуруҳ, чорак, ярим финал ва финал босқичи ўйинлари махсус электрон қурилма ёрдамида олиб борилади. Қурилма турнир иштирокчилари тугмачани босган вақтини аниқлайди.

82. Бошловчи саволни ўқиб бўлгач, унинг ёрдамчиси қурилмани старт тугмасини босади. Иштирокчилар қурилмани овоз сигналидан кейин, берилган тугмачани босишлари керак. Агар иштирокчи овоз сигналигача тугмачани босиб юборса, бошловчи савол ўқишдан тўхтайтиди ва тугмани босган иштирокчи жавоб беради. Тугмачани қолган иштирокчиларга нисбатан биринчи бўлиб босган иштирокчи, биринчи бўлиб жавоб бериш имкониятига эга бўлади. Агар иштирокчилар 7 сония вақт ичида тугмачани босмаса, балл берилмайди. Агар биринчи бўлиб жавоб бериш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчи нотўғри жавоб берса, қолган иштирокчиларда тугмачани босиб жавоб бериши учун 5 сониядан вақт берилади. Битта саволга кўпи билан 3 та жамоа жавоб бериши мумкин.

83. Билимдон тугмачани босгач, бошловчи ёки унинг ёрдамчиси, айнан қайси иштирокчи жавоб бериш имкониятига эга эканлигини эълон қилиши шарт. Шундан сўнг, жавоб бераётган иштирокчи ўз версиясини айтиши зарур. Жавоб бериш имконияти берилган пайт билан иштирокчи жавобни беришни бошлаши орасидаги танаффус 3 сониядан ошиб кетмаслиги зарур. Агар шу вақт ичида жавоб берилмаса, иштирокчи нотўғри жавоб берган бўлади.

84. Жавобнинг тўғри ёки нотўғрилигини фақат бошловчи аниқлайди. Бошловчининг қарори қатъий бўлади ва ҳеч қандай шикоятлар қабул қилинмайди.

85. Ҳар бир савол ўқилишидан аввал, бошловчи саволнинг қийматини эълон қилиши зарур. Берилган жавоб тўғри бўлган тақдирда, бошловчи “Жавоб тўғри” деб айтади (агар зарурияти мавжуд бўлса ўзидаги тўғри жавоб матнини ўқийди), билимдонга берилган баллни эълон қилади ва навбатдаги саволни ўқишга ўтади. Берилган жавоб нотўғри бўлган тақдирда, бошловчи “Жавоб нотўғри” деб эълон қилади, иштирокчи эга бўлган баллни айтади.

86. Бир нечта қисмдан иборат жавобнинг, бир қисми нотўғри бўлса ҳам, иштирокчининг жавоби нотўғри ҳисобланади.

87. Иштирокчи берган жавобга бошловчи томонидан аниқлаштириш сўралмайди, шунингдек билимдон бериб бўлган жавобига қўшимча қила олмайди.

88. Чорак финал, ярим финал ва финал ўйинлари 3 турдан иборат бўлади:

1-тур – “очиқ тур” деб номланади ва турнир барча мавзу номлари бошловчи томонидан 1 тур аввалида эълон қилинади ва жамоа қайси иштирокчи қайси мавзуда ўйнаши кераклигини белгилайди ва мавзу эълон қилинган, мавзуга танланган иштирокчи жамоси учун белгиланган тугма қаршисига ўтиради;



2-тур – “ярим-очиқ тур” деб номланади ва мавзу ўқилишидан аввал, фақатгина шу мавзу номи бошловчи томонидан эълон қилинади ва жамоа қайси иштирокчи эълон қилинган мавзуда ўйнашини танлайди ва танланган иштирокчи жамоси учун белгиланган тугма қаршисига ўтиради ;

3-тур – “ёпик тур” деб номланади ва мавзу номлари эълон қилинмайди ва иштирокчилар навбатма-навбат жамоси учун белгиланган тугма қаршисига ўтиради.

89. Ҳар бир босқичдаги очиқ, ярим-очиқ ва ёпик турларда жамоаларнинг ҳар бир иштирокчиси ҳар бир мавзуда бир маротаба (5 та савол) иштирок эта олади, шу тариқа ҳар бир турда жамоанинг ҳар бир иштирокчиси қатнашиши таъминланади.

### 9-боб. “Шахсий ўйин” турнирини ўтказиш тартиби

90. “Шахсий ўйин” турнири индивидуал мусобақа бўлиб, унда иштирокчилар белгиланган вақт ичида мантиқий саволларга тезкорлик билан жавоб бериш бўйича мусобақалашади. Иштирокчиларнинг мақсади — ўйин давомида рақиб иштирокчиларга нисбатан кўпроқ саволларга тўғри жавоб беришдан иборат.

91. Ҳар бир олий таълим муассасасидан 1 нафар талаба иштирок этади.

92. Турнир ўтказилиши жадвали турнирда иштирок этувчи талабалар сонидан келиб чиққан ҳолда Ташкилий гуруҳ томонидан белгиланади.

93. Турнир ўтказилиши жадвали турнир бошланишидан бир кун олдин эълон қилинади.

94. Турнир асосий ва саралаш босқичидан иборат бўлади. Турнирнинг асосий босқичи нимчорак финалдан бошланади ва турнир финали билан яқунланади.

95. Турнир саралаш босқичи ёзма кўринишда ўтказилади.

96. Турнирнинг саралаш босқичида 8 та мавзуга оид 5 тадан умумий 40 та савол берилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун саволга олдиндан белгиланган (10 / 20 / 30 / 40 / 50) балл берилади. Ҳар бир нотўғри жавоб учун эса, саволга олдиндан белгиланган баллни (-10/ -20/ -30/ -40/ -50) қарама-қарши қиймати ёзилади. Саволга жавоб берилмаган тақдирда, ўша саволга балл берилмайди. Саралаш натижаларига кўра кўпроқ балл тўплаган 125 та иштирокчи кейинги босқичга чиқади.

97. Саралаш босқичида бирорта ҳам саволга жавоб ёзмаган иштирокчи кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритмайди.

98. Агар иштирокчилар ёзма саралаш натижалари бўйича тенг миқдордаги балл тўпласалар, энг катта номинал қиймат учун тўғри жавобларни берган иштирокчи устунликка эга бўлади. Такрорий тенглик ҳолатида кейинги номинал қиймат билан олинган саволлар сони ҳисобга олинади ва шу тартибда давом этади.



99. Турнирнинг асосий босқичи гуруҳ, нимчорак, чорак, ярим финал ва финал босқичлардан иборат бўлади.

100. Турнирнинг асосий босқичида ҳар бир ўйинда 4 тадан 10 тагача мавзуга оид, умумий 20 тадан 50 тагача савол ўйналади.

101. Асосий босқичда йўлланма олган 125 нафар иштирокчи ёзма саралаш натижаларига кўра 5 та иштирокчидан иборат 25 та (А-О') гуруҳга ажратилади. Бунда иштирокчилар қуйидаги жадвалга асосан гуруҳларга бўлинади:

A	B	D	E	F	G	H	I	J	K	L	M
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
50	49	48	47	46	45	44	43	42	41	40	39
75	74	73	72	71	70	69	68	67	66	65	64
76	77	78	79	80	81	82	83	84	85	86	87
125	124	123	122	121	120	119	118	117	116	115	114

N	O	P	Q	R	S	T	U	V	X	Y	Z	O'
13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25
38	37	36	35	34	33	32	31	30	29	28	27	26
63	62	61	60	59	58	57	56	55	54	53	52	51
88	89	90	91	92	93	94	95	96	97	98	99	100
113	112	111	110	109	108	107	106	105	104	103	102	101

102. Турнирнинг гуруҳ босқичидан нимчорак финалига ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган, жами 50 нафар иштирокчилар йўл олади. Агарда гуруҳ ва нимчорак финал босқичида 2-ўрин учун иштирокчилар орасидаги баллар тенг келиб қолса, улар ўртасида қўшимча ўйин ўтказилади ва унинг ғолиби кейинги босқичга йўл олади. Агарда қўшимча мавзуда ҳам баллар тенг бўлиб қолса, бошқа мавзуда биринчи плюс ёки минус қийматли балл олингунга қадар саволларни қиймати тескари тартибда (50 балли саволдан бошлаб, 10 балли саволгача) ўқиб, давом эттирилади.

Бунда иштирокчилар бундан аввалги босқичда эгаллаган ўрнига қараб қуйидаги жадвалга асосан гуруҳларга бўлинади:

A	B	D	E	F	G	H	I	J	K
A-1	B-1	D-1	E-1	F-1	G-1	H-1	I-1	J-1	K-1
U-1	T-1	S-1	R-1	Q-1	P-1	O-1	N-1	M-1	L-1
F-2	E-2	D-2	B-2	A-2	O'-1	Z-1	Y-1	X-1	V-1
G-2	H-2	I-2	J-2	K-2	L-2	M-2	N-2	O-2	P-2
O'-2	Z-2	Y-2	X-2	V-2	U-2	T-2	S-2	R-2	Q-2

103. Чорак финалда иштирокчилар 4 та гуруҳга бўлинган ҳолда беллашади. Бунда иштирокчилар бундан аввалги босқичда эгаллаган ўрнига қараб қуйидаги жадвалга асосан гуруҳларга бўлинади:

<b>А-гурух</b>	<b>В-гурух</b>	<b>Д-гурух</b>	<b>Е-гурух</b>
A-1	B-1	D-1	E-1
F-1	G-1	H-1	I-1
J-1	K-1	A-2	B-2
D-2	E-2	F-2	G-2
H-2	I-2	J-2	K-2

104. Ярим финал ўйинига чорак финалда гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринни олган иштирокчилар тўғридан-тўғри йўл олишади. 2 - ўрин учун бир нечта иштирокчиларнинг баллари тенг келиб қолган тақдирда улар ўртасида қўшимча ўйин ўтказилади ва унинг голиблари ярим финалга йўл олади. Бундан ташқари чорак финалда тўплаган баллари бўйича энг яхши 3 - натижани кўрсатган 2 та иштирокчи ярим финал йўлланмасига эга бўлади. Агарда 3 - натижани кўрсатган иштирокчилар орасидаги баллар тенг келиб қолса, улар ўртасида қўшимча ўйин ўтказилади ва унинг голиблари ярим финалга йўл олади. Бунда иштирокчилар бундан аввалги босқичда эгаллаган ўрнига қараб қуйидаги жадвалга асосан гуруҳларга бўлинади:

<b>1-гурух</b>	<b>2-гурух</b>
A-1	B-1
D-1	E-1
B-2	A-2
E-2	D-2
2-учинчи ўрин	1-учинчи ўрин

105. Финал ўйинига ярим финалда гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринни олган иштирокчилар тўғридан-тўғри йўл олади. Бундан ташқари ярим финалда тўплаган баллари бўйича энг яхши 3-натижани кўрсатган 1 та иштирокчи финал йўлланмасига эга бўлади. Агарда 3-натижани кўрсатган иштирокчилар орасидаги баллар тенг келиб қолса, улар ўртасида қўшимча ўйин ўтказилади ва унинг голиби финалга йўл олади.

106. Финал ўйинида энг кўп балл тўплаган иштирокчилар биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни олади.

107. “Шахсий ўйин” асосий босқич ўйинлари махсус электрон қурилма ёрдамида олиб борилади. Қурилма турнир иштирокчилари тугмачани босган вақтини аниқлайди.

108. Ҳар бир тўғри жавоб учун, саволга олдиндан белгиланган (10 / 20 / 30 / 40 / 50) балл берилади. Ҳар бир нотўғри жавоб учун эса, саволга олдиндан белгиланган баллни (-10/ -20/ -30/ -40/ -50) қарама-қарши қиймат ёзилади. Баллар гуруҳ ўйинлари давомида жамланади, аммо босқичдан босқичга ўтмайди.

109. Ҳар бир босқичда бирорта ҳам саволга тўғри ёки нотўғри жавоб бермаган иштирокчи кейинги босқичга йўллангани қўлга киритмайди.

110. Бошловчи саволни ўқиб бўлгач, унинг ёрдамчиси қурилгани старт тугмасини босади. Иштирокчилар қурилгани овоз сигналидан кейин, берилган тугмачани босишлари керак. Агар Иштирокчи овоз сигналигача тугмачани босиб юборса, бошловчи савол ўқишдан тўхтади ва тугмани босган иштирокчи жавоб беради. Тугмачани қолган иштирокчиларга нисбатан биринчи бўлиб босган иштирокчи, биринчи бўлиб жавоб бериш имкониятига эга бўлади. Агар иштирокчилар 7 сония вақт ичида тугмачани босмаса, балл ютилмаган бўлади. Агар биринчи бўлиб жавоб бериш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчи нотўғри жавоб берса, қолган иштирокчиларда тугмачани босиб жавоб бериши учун 5 сониядан вақт берилади. Битта саволга кўпи билан 3 та жамоа жавоб бериши мумкин.

111. Иштирокчи тугмачани босгач, бошловчи ёки унинг ёрдамчиси, айнан қайси иштирокчи жавоб бериш имкониятига эга эканлигини эълон қилиши шарт. Шундан сўнг, жавоб бераётган иштирокчи ўз версиясини айтиши зарур. Жавоб бериш имконияти берилган пайт билан иштирокчи жавобни беришни бошлаши орасидаги танаффус 3 сониядан ошиб кетмаслиги зарур. Агар шу вақт ичида жавоб берилмаса, иштирокчи нотўғри жавоб берган бўлади.

112. Жавобнинг тўғри ёки нотўғрилигини фақат бошловчи аниқлайди. Бошловчининг қарори қатъий бўлади ва ҳеч қандай шикоятлар қабул қилинмайди. Ҳар бир савол ўқилишидан аввал, бошловчи саволнинг қийматини эълон қилиши зарур.

Берилган жавоб тўғри бўлган тақдирда, бошловчи “Жавоб тўғри” деб айтади (агар зарурияти мавжуд бўлса ўзидаги тўғри жавоб матнини ўқийди), иштирокчига берилган очкони эълон қилади ва навбатдаги саволни ўқишга ўтади. Берилган жавоб нотўғри бўлган тақдирда, бошловчи “Жавоб нотўғри” деб эълон қилади, иштирокчи эга бўлган баллни айтади.

113. Икки қисмдан иборат жавобнинг бир қисми нотўғри бўлса ҳам, иштирокчининг жавоби нотўғри ҳисобланади.

114. Иштирокчи берган жавобга бошловчи томонидан аниқлаштириш сўралмайди, шунингдек иштирокчи бериб бўлган жавобига қўшимча қила олмайди.

### **10-боб. “Шахмат” турнирини ўтказиш тартиби**

115. “Шахмат” турнирида ҳар бир олий таълим муассасасидан 1 нафар ўғил ва 1 нафар қиз иштирок этади.

116. “Шахмат” турнири Республика ҳудудида амалдаги FIDE шахмат қоидалари асосида ўтказилади.

117. “Шахмат” турнирида ўғил болалар алоҳида ва қизлар алоҳида гуруҳларда иштирок этишади.

118. “Шахмат” турнири стандарт йўналишида, швейцарча тизимда 11 турдан иборат ўтказилади.

119. Ҳар бир ўйин учун томонларга 3 дақиқадан вақт берилади ва биринчи юришдан бошлаб ҳар бир юришга 2 сониядан вақт кўшиб борилади.

120. Турнир ғолиблари тўплаган очколарга қараб аниқланади.

121. Биринчи ўринни аниқлашда икки ва ундан кўп иштирокчиларда очколар сони тенг бўлса, ўринлар қуйидаги кўшимча кўрсаткичларга кўра тақсимланади:

1) Ўзаро учрашувлар (агар барча очколари бир хил иштирокчилар ўзаро бир-бирлари билан ўйнаган бўлса);

2) Бухгольц коэффициенти;

3) Ғалабалар сони.

122. Кейинги ўринлар учун очколар бир хил бўлганда ўринларни аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1) Бухгольц коэффициенти;

2) Қисқартирилган бухгольц;

3) Прогресс

123. Турнирни ўтказиш Ташкилий гуруҳ томонидан тасдиқланган ҳакамлар ҳайъати зиммасига юклатилади.

124. Ҳакамлар ҳайъати бош ҳакам, котиб, 11 нафар ҳакам ва компьютер операторидан иборат бўлади.

### **11-боб. “Шашка” турнирини ўтказиш тартиби**

125. “Шашка” турнирида ҳар бир олий таълим муассасидан 1 нафар ўғил ва 1 нафар қиз иштирок этади.

126. “Шашка” турнири 64 катакли шашка бўйича Халқаро шашка федерацияси (IDF) қоидаларига асосан рапид йўналишида тўққизта тур бўлиб швейцарча тизимида ўтказилади.

127. “Шашка” турнирида ўғил болалар алоҳида ва қизлар алоҳида гуруҳларда иштирок этишади.

128. Турнир ғолиблари тўплаган очколарга қараб аниқланади.

129. Турнирни ўтказиш Ташкилий гуруҳ томонидан тасдиқланган ҳакамлар ҳайъати зиммасига юклатилади.

130. Ҳакамлар ҳайъати бош ҳакам, котиб, 11 нафар ҳакам ва компьютер операторидан иборат бўлади.

### **12-боб. Апелляция бериш тартиби**

131. Интеллектаул олимпиаданинг “Заковат” турнирида юзага келадиган баҳсли вазиятларни ҳал қилиш учун Апелляция ҳайъати ташкил этилади.



“Брейн-ринг”, “Эрудит квартал”, “Шахсий ўйин” турнирларида турнир бошловчисининг қарори қатъий ҳисобланади ва ҳеч қандай шикоят қабул қилинмайди.

“Шахмат” ва “Шашка” турнирларида ҳакамлар хайъати қарори қатъий ҳисобланади ва ҳеч қандай шикоят қабул қилинмайди.

132. Эълон қилинган натижалар бўйича танаффуслар пайтида ва умумий натижалар эълон қилингандан сўнг жамоа сардори Ташкилий гуруҳ томонидан тасдиқланган шаклни тўлдириб, Апелляция хайъатига мурожаат қилиши мумкин.

133. Қуйидаги мазмундаги апелляциялар қабул қилинади:

1) жавобни тўғри деб ҳисоблаш бўйича апелляция – жамоанинг ҳисоб комиссияси балл бермаган савол(лар)га берган жавобини ҳисоблаш учун қилган мурожаати;

2) саволни нотўғри деб ҳисоблаш бўйича апелляция – жамоанинг савол матнида ёки жавобида фактик хатолар борлиги учун саволни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қилган мурожаати.

Бошқа мазмунда берилган апелляциялар (масалан, бошқа жамоаларнинг жавобини ҳисоблаш ёки ҳисобламаслик бўйича) қабул қилинмайди.

134. Апелляция бериш учун жамоадан 2 ёки ундан ортиқ вакилнинг АҲ олдига келиши, яқинлашиши, апелляция жараёнига аралашиши қатъиян ман этилади. Ушбу ҳолатлар аниқланиши билан жамоа апелляция бериш ҳуқуқидан маҳрум этилади ва шу ҳолат юз берганга қадар апелляция натижасида ҳисобланган баллари ҳам бекор қилинади.

135. Апелляция махсус тайинланган Апелляция хайъатига томонидан кўриб чиқилади. Ушбу жараёнга бошқа шахсларнинг аралашиши тақиқланади.

136. Апелляция хайъатига 5 нафар аъзо ва 1 нафар котибдан иборат бўлади. Апелляция хайъатига котиби овоз бериш ва муҳокамада қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. У Апелляция хайъатига қарорининг расмийлаштирилишига ёрдам беради.

137. Апелляция хайъатига очик овоз бериш йўли орқали қарор қабул қилади. Бунда оддий кўпчилик овоз қоидаси амал қилади. Яъни 5 кишидан 3 киши “ҳа”, 2 киши “йўқ” деб овоз берган бўлса, унда ўша жавоб қабул қилинади ёки аксинча. Апелляция хайъатига аъзолари бетараф қолиши мумкин эмас.

138. Агар саволнинг нотўғрилиги учун апелляция тушмаган бўлса, унда Апелляция хайъатига саволни ўз ташаббуси билан ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга эмас.

139. Агар Апелляция хайъатига қарори натижасида нотўғри савол ҳисобдан чиқарилса, унда ўша савол учун барча жамоаларнинг баллари бекор қилинади ва ўша савол бўйича апелляциялар ҳам кўриб чиқилмайди.

140. Жавобни тўғри деб ҳисоблаш бўйича апелляция келиб тушмаган бўлса ҳам, Апелляция хайъатига худди шу савол бўйича берилган бошқа

апелляция натижасида жамоаларга балл ёзиши мумкин. Масалан, саволнинг тўғри жавоби “чистон”. Бир жамоа “шеърий топишмоқ” деган қабул қилинмаган жавоб вариантыга апелляция берди. Апелляция ҳайъатига томонидан ушбу жавоб варианты тўғри дея қабул қилинди ва жамоага балл берилди. Бундай вазиятда апелляция берган ёки бермаганидан қатъи назар, “шеърий топишмоқ” вариантыни ёзган барча жамоаларга балл тақдим этилади.

141. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш жараёнида аниқлаштириш учун интернет воситалари ёки бошқа манбалардан фойдаланиш мумкин.

### **13-боб. Интеллектуал олимпиада иштирокчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари**

142. Интеллектуал олимпиада турнирлари давомида иштирокчиларнинг ўйин жараёнига халақит қиладиган хатти-ҳаракатлар (ўрnidан туриш, сўқиниш, рақиб жамоа, иштирокчи ва ташкилотчиларга ҳурматсизлик қилиш ва ҳ.к.) қилиши тақиқланади. Бундай ҳолатда иштирокчи ёки унинг жамоаси турнирдан четлантирилиши ёки иштирокчи жамоаси 1 баллдан 3 баллгача жарима тариқасида жазоланиши мумкин.

143. Иштирокчилар турнирлар давомида саволларга жавоб топиш мақсадида қўшимча манбалардан (телефон, гаджет, планшет, шпаргалка ва ҳ.к.) фойдаланиши тақиқланади. Турнир ташкилотчилари томонидан шундай ҳолат аниқланганда жамоа ёки иштирокчи турнирдан четлатилади ва тўплаган баллари бекор қилинади.

144. Савол ўқилгач, иштирокчиларга томошабинлар томонидан жавоб вариантларини айтилиши қатъиян тақиқланади. Турнир ташкилотчилари томонидан шундай ҳолат аниқланганда томошабин турнирдан четлатилади. Бошловчи томонидан савол алмаштирилади.

### **14-боб. Яқуний қоида**

145. Интеллектуал олимпиада давомида мазкур тартибда назарда тутилмаган ҳолатлар юз берса, бундай ҳолатлар Интеллектуал олимпиадани ўтказиш бўйича Ташкилий гуруҳ томонидан ижтимоий адолат нуқтаи назаридан ҳал этилади.